

Qishloq hayoti

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI IJTIMOY-IQTISODIY GAZETASI

1974-yil 1-yanvardan chiqqan boshlagan

2022-yil 16-iyun, payshanba

№ 22 (9186)-son

e-mail: infoqishloqhayoti@mail.ru

@Qishloqhayoti_gazetasi

КАСБ-ХУНАР ЎРГАНИШ УЧУН ШАРОИТЛАР КЕНГАЙТИРИЛАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 15 июнь куни аҳолини касб-хунарга тайёрлаш ва мономарказлар фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Мамлакатимизда саноат, қишлоқ хўжалиги, хизмат кўрсатиш, қурилиш каби кўплаб соҳалар ривожланиб, янги-янги корхоналар очилмоқда. Уларни малакали ишчи ва мутахассислар билан таъминлаш мақсадида олий ва ўрта махсус таълим йўналишлари ўзгартирилмоқда. Худудларда "Ишга марҳамат" мономарказлари ташкил этилиб, ёшларга касб ўргатилмоқда.

Тараққиёт стратегиясида бу борада навбатдаги қадамлар — ҳар бир фуқарога касб-хунарга ўқиш имкониятини яратиш, камбағалликни 2 бараварга қисқартириш мақсадлари белгиланган.

Бунинг учун барча асослар бор. Масалан, биргина 2022 йилнинг ўзида жами 16 миллион долларлик 9 мингдан зиёд йирик ва ўрта лойиҳалар амалга оширилмоқда. Уларга 300 мингта яқин малакали ишчилар керак.

Шу билан бирга, бу йил 404 минг ёшлар ўрта таълимни, 151 минг нафари профессионал таълимни битириб, меҳнат бозорига кириб келади. Уларни тўғри йўналтириб, бандлигини таъминлаш — долзарб вазифа.

Лекин, очигини айтганда, 330 та касб-хунар мактаби, 173 та коллеж ва 207 та техникум қўрилган натижани бермаётти. Улардаги имкониятнинг аттиги 40-50 фоиздан фойдаланилмоқда, холос. "Ишга марҳамат" мономарказлари бор-йўғи 10 фоиз ишчиларни қамраб олган.

Кўп коллеж ва техникумлардаги ўқув дастурлари замон талабига мос эмас, 1 минг 350 номдаги касбий дарслик ва адабиётлар етишмайди. Оқибатда иш бевуричлар ходимларни қайтадан ўқитишга мажбур бўлмоқда.

Шу боис йиғилишда касб-хунар таълимни замон талабларига мослаштириш бўйича янги тизим жорий қилиниши белгиланди.

Яъни, 45 та коллеж Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги тизимига ўтказилиб, уларнинг ўрнида мономарказлар ташкил этилади. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги касб-хунар мактаблари ва техникумларни бошқариш ва методик таъминлашга масъул бўлади.

Ҳар бир вилоят, туман ва шаҳарда Касб-хунар таълими кенгашлари ташкил этилади ва уларга ҳокимлар раҳбарлик қилади. Кенгаш таркибига давлат идоралари, банк, ректорлар, Савдо-саноат палатаси ҳамда туман иқтисодиётдан келиб чиқиб, саноат, қишлоқ хўжалиги, қурилиш ва сервис корхоналари раҳбарлари киради. Улар мутахассисларга бўлган эҳтиёж асосида, мономарказ ва коллежларда ўқитиладиган касбларни белгилайди, ёшларни ишлаб чиқариш корхоналарига бириктириб, амалиёт ўташини ташкил этади.

Йиғилишда соҳадаги ижобий тажрибалар ҳам кўрсатиб ўтилди. Масалан, 57 та профессионал таълим муассасасида Германия тажрибаси асосида, иш жойида ўқитишнинг дуал таълим шакли йўлга қўйилган. Мактабга таълим тизимида бу ўз натижасини бермоқда: педагогика коллежи ўқувчилари 2 кун назарий билимлар олиб, қолган кунлари боғчаларда ишлаб, ойлик олмақда.

Эки яна бир мисол: Сирдарё вилояти Ширин шаҳридаги энергетика коллежида Саудия Арабистонининг "ACWA Power" компанияси буюртмаси асосида ёшларни муқобил энергия станцияси техниги, оператори ва диспетчери каби касбларга тайёрлаш бошланган. Бунинг

учун компания 2 миллион 800 минг долларга коллежда замонавий устахона, лаборатория ва ётоқхона барпо қилган.

Давлатимиз раҳбари бундай ишларни бошқа тармоқларда ҳам йўлга қўйиш, касбий таълим муассасаларини йирик саноат корхоналари ва кластерларга бириктириш бўйича тавсиялар берди.

Тахлилларга кўра, бугунги кунда олий таълим тизимида ўқитилаётган айрим мутахассисликларни техникумларга ўтказиш мумкин. Бу ёшларнинг ҳам вақтини, ҳам нақдини тежайди.

— Техникумларга бўлган ёндашувларни ўзгартириш керак. Улар "институтга киришнинг осон йўли" эмас, мураккаб касб берадиган, меҳнат бозорига рақобат қиладиган тизим бўлиши керак, — деди Шавкат Мирзиёев.

Келгуси йил 1 январдан бошлаб, илмий даражаси бор техникум ўқитувчиларининг иш ҳақини олийгоҳлардагига тенглаштириш, янги ўқув йилидан техникум ва коллеж ўқувчилари учун ҳам имтиёзли таълим кредитини жорий этиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Шунингдек, техникумларга қабулни бир йилда 2 марта ташкил этиш бошланади. Бу орқали касбий таълим билан қамраб олиш 35 фоизга ошади.

Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги янги ташкил этиладиган мономарказларда замонавий касблар ва хорижий тилларни ўқитиш, Туркия, Жанубий Корея, Германия, Ҳиндистон ва Япониядан мутахассислар жалб қилиш бўйича топшириқ берилди.

Йиғилишда касбий таълим муассасаларида ишлаётган ўқитувчи ва усталарни рағбатлантириш масаласига ҳам эътибор қаратилди.

Келгуси йил 1 январдан уларнинг ойлиги мактаб ўқитувчиларининг маошига тенглаштирилиши айтилди. Ўқитувчилар малака тоғфаси учун тўланадиган устам ўртасидаги фарқ 2 баробарга оширилди. Эришган натижасига қараб, фидойи ва ташаббускор мураббийларнинг ойлиги 50 фоизгача устам тўлаш жорий этилади. Келгуси йилда бунинг учун бюджетдан қўшимча 150 миллион сўм ажратилади.

Шу билан бирга, профессионал таълим муассасалари педагоглари малакасини оширишнинг янги тизими яратилади. Университетлар ҳузуридаги малака ошириш факультетлари ўрнига ҳар бир вилоятда Профессинал тайёрлагичлик марказлари ташкил этилади. Бу марказлар иш бевуричларнинг эҳтиёжини ўрганиб, хорижий тажриба асосида педагоглар малакасини оширади.

Аҳолини касб-хунарга ўқитишда хусусий сектор улушини кўпайтириш учун ҳам бир қатор имтиёзлар белгиланди. Унга кўра, энди лицензия олиш учун талаблар енгиллаштирилиб, зарур маблағнинг минимал миқдори 2 бараварга камайтирилади. Бўш биналар узоқ муддатга ижарага берилади. Хориждан келтириладиган қўлланма ва ускуналар божхона тўловларидан озод қилинади. Халқаро малака сертификатини олган ҳар бир битирувчи учун 1 миллион сўмдан тўланади. Эҳтиёжманд ёшлар тўлов-контракти маблағининг 30 фоизи қўллаб берилади.

Йиғилишда муҳокама қилинган масалалар юзасидан вазирлар, ҳокимлар, касб-хунар мактаби ва мономарказлар раҳбарлари сўзга чиқиб, ўз тақдирларини билдирди.

ЎЗА

➤ Сув тежовчи технологияларни жорий этиш- замон талаби

➤ АНДИЖОН ВИЛОЯТИ



ЯНГИЛИК ФЕРМЕРГА МАДОР

Ҳаво ҳарорати билан боғлиқ ҳолатлар беис қишлоқ хўжалигини юргизишда муайян қийинчиликлар содир бўлмоқда. Айниқса, сув танқислиги туфайли мўлжалдаги ҳосилни яратишда қатор ноқулайликларга дуч келиш одатий ҳолга айланаётганини айни ҳақиқатдир. Бир қатор мамлакатларда сув танқислиги билан боғлиқ воқеликлари бартараф этишда инновацион технологияларини жорий этиш орқали вазиятни юмшатиш мумкин бўлмоқда. Сўнгги йилларда мамлакатимизда ҳам айнан сув танқислигининг олдини олиш масаласи кўн тартибига чиқди ва босқичма-босқич сув тежовчи технологияларни қўллашнинг кўплаб усуллари деҳқончиликка тадбиқ этилмоқда. Тўғри, мазкур масалани барча фермерлар ҳам бирдек қабул қилмаётганликлари ҳам бор гап.

3➤

ФАРҒОНАЛИК СУВЧИЛАР ТОЖИКИСТОНДА БЎЛДИЛАР

Ўзбекистонлик сувчилар қўшни Тожикистон давлати сув тизими ходимлари билан те-тез учрашиб, сув хўжалиги соҳасида ўз тажрибаларини ўртоқлашиб турадилар.

Дўстлик ришталари улар ўртасида тобора мустаҳкамланиб бораётгани ўзаро муносабатларнинг янада яқинлашувига олиб келмоқда. Водийнинг олтин камари бўлган Катта Фарғона канали умумхалқ ҳашари билан қазилиб, ишга туширилганидан буён шу канал орқали Тожикистон республикасининг Суғд вилоятига белгиланган тақсим асосида сув ўтказиб берилади. Тожикистонлик сув тизими ходимлари ҳам Тошкент вилоятига тақсим асосида ўз томонларидан сув ўтказиб берадилар. Бу албатта, биргаликда яшаш ва меҳнат қилишда ҳамкор ҳамда ҳамжиҳатликни янада мустаҳкамлайди.

Яқинда Фарғона водийси каналларидан фойдаланиш бошқармаси бошлиғи Шухратжон Абдусаматов, Катта Фарғона каналидан фойдаланиш бошқармаси бошлиғи Алишер Тожаалиев ва бошқалар Тожикистон Республикаси Суғд вилояти Конибодом шаҳрига ташриф буюриб, тожикистонлик бир гуруҳ сув тизими раҳбар ва ходимлари билан келгуси ишлар ҳақида суҳбат қилдилар. Ҳозирги сув айирбошлаш тажрибасининг аҳамиятига катта баҳо бериш билан бирга бундан буён ҳам ўзаро манфаат келтирадиган ишларни давом эттиришга келишиб олдилар.

Ҳамиджон БУРҲОНОВ,
"Qishloq hayoti" мухбири.

➤ Қарор ва ижро

СУВНИ ТЕЖАЙДИГАН ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ЖОРИЙ ЭТИШ

ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШМОҚДА



Жорий йилнинг 1 март куни Президентимизнинг "Қишлоқ хўжалигида сувни тежайдиган технологияларни жорий этишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ва "Қуйи бўғинда сув ресурсларини бошқаришни такомиллаштириш ҳамда сув истеъмолчилари орасидаги муносабатларни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорлари қабул қилинган эди. Яқинда Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги томонидан мазкур қарорлар ижросини таъминлаш бўйича амалга оширилаётган ишлар таҳлилига бағишланган матбуот анжумани ташкил этилди. Анжуманда ҳам таъкидланганидек, сув аҳолининг турмуш фаровонлигини таъминловчи неъмат бўлиб, вазирлик тизимида фаолият кўрсатаётган 33 мингдан зиёд ишчи-ҳодимлар аҳилилик билан меҳнат қилиб, обихаётнинг ҳар томонини қадрлаш, исроф қилмаслик, ундан унумли фойдаланиш учун ҳаракат қилмоқдалар.

2➤

➤ НАМАНГАН ВИЛОЯТИ

“ЎЙИНЧОҚЛАР УСТАСИ”

КЎРИК-ТАНЛОВИ КЎТАРИНКИ РУҲДА ЎТДИ

Ҳозир боғчаларимизда бўлганимда, бундан 60 йил олдинги ўтмиш хотиралари кўз олдимда гавдаланаверади. Ҳофиз буваннинг ҳовлисида ташкил қилинган яслига маҳалланинг 30-40 чоғли болалари қатнардик. Шолчалар устига ўрнатилган хон, унинг тепасидаги беш-олти дона ўйинчоқ болалар ўртасида доим талаш бўларди. Яна бир воқеа, ўз даврининг донгдор пахтачилик бригадаси бошлиғи, Фарғона канали қатнашчиси бўвим Зебихон Умарова Тошкентда ўтказилган қурултойдан қайтишда менга ҳақиқийсига ўхшаш машина ўйинчоғи олиб келганида, бутун бошли қишлоқнинг болалари келиб, қўллари билан ушлаб, ўйнаб менга роса ҳаваси келганди.

3➤



СУВНИ ТЕЖАЙДИГАН ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШМОҚДА

(Боши 1-саҳифада)

Матбуот анжуманида вазир ўринбосари А.Мирзаев олдинги йилларда бошланган ва ўз самарасини берган тизим – сувни тежовчи технологияларни жорий этиш бўйича саъй-ҳаракатлар изчил давом эттирилаётганлигини, бу борада янги тартиблар белгиланганлигини таъкидлади. Президент қарорига биноан, жорий йилда сув тежайдиган технологияларни йирик сув узатиш ва сув чиқариш тармоқларининг бош қисмида, "бир канал – бир тизим" тамойили асосида 230 минг гектарда, шу жумладан, 160 минг гектар майдонда – томчилатиб сугориш, 28 минг гектар майдонда – ёмғирлатиб, 2 минг гектарда дискретли сугориш ҳамда 218 минг гектар экин майдонларини лазерли ускуна ёрдамида текислаш бўйича манзилли рўйхатлар шакллантирилган.

Ҳозирда жами 2 866 та қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчиларининг 94 минг гектар майдонида, жумладан, 2391 та талабгорнинг 82,5 минг гектар майдонида – томчилатиб сугориш, 475 та талабгорнинг 11,5 минг гектар майдонида – ёмғирлатиб сугориш технологиясини жорий қилиш бўйича қурилиш-монтаж ишлари олиб борилмоқда. Қувонарлики, республикада сувни тежайдиган технологиялар ускуналари ва бутловчи қисмларини маҳаллий шароитда ишлаб чиқариш саноати кенгайиб, уларнинг сонини 44 тага етказилди. Бу эса, бутловчи қисмларнинг таннархини хориждан ташиш харажатларини тежаш ҳисобига 15-20 фоизгача пасайтириш ёки гектарига 5-7 миллион



сўмга арзонлаштириш имконини бермоқда. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчилари учун ахборот алмашинувининг шаффоф механизминини йўлга қўйиш мақсадида "Томчи-реестр" ягона электрон реестри ишлаб чиқилиб, ишга туширилди. Бугунги кунда 200 дан ортиқ қорхона ушбу платформага тегишли ҳужжатларни онлайн шаклда киритган. Шунингдек, субсидиялар бериш юзасидан тегишли материалларни тўплаш, қўриб чиқиш ҳамда ваколатли орган ва ташкилотлар билан келишишининг "Agro-subsidiya" ягона ахборот тизими жорий этилиб, амалиётга тадбиқ этилди. Амалдаги йилдан сув тежовчи технологияларни жорий қилган ишлаб чиқарувчиларга субсидиялар ушбу тизим орқали ажратилади. Республикада бўлиб, етказиб берилган сув учун истеъмолчилар билан апрель ойида 73 минг 349 та, май ойида 71 минг 554 та далолатнома расмийлаштирилди. Бу эса ўз ўрнида

талабларидан келиб чиққан ҳолда ҳозирда ишсиз бўлган 4241 нафар фуқаро ишга қабул қилинди. Улар 3 миллион 409 минг гектар майдонга хизмат кўрсатиб келмоқда. Бугунги кунгача истеъмолчиларга сув етказиб бериш бўйича 73 минг 349 та шартнома тузилган.

Республика бўйича Сув хўжалигининг махсус хизматлари томонидан 303 млрд. 801 млн. сўмлик бизнес режалар ишлаб чиқилган бўлиб, 10 июнь ҳолатида истеъмолчиларга 57 млрд. 295 млн. сўмлик хизматлар кўрсатилган. Сув хўжалиги махсус хизматида 7 млрд. 254 млн. сўмлик маблағлар тўлаб берилган. Жорий йилнинг апрель-май ойлари давомида сув истеъмолчиларига қарийб 6 млрд. 268 млн. куб метр сув етказиб берилган бўлиб, етказиб берилган сув учун истеъмолчилар билан апрель ойида 73 минг 349 та, май ойида 71 минг 554 та далолатнома расмийлаштирилди. Бу эса ўз ўрнида

73 минг 349 та истеъмолчи олган сувнинг ҳисоб-китоби юритилаётганидан далолат беради ва йил якуни билан солиқ идораларига истеъмолчиларнинг қанча сув олганлиги тўғрисида аниқ маълумотлар шаклланишига имконият яратилади. Шу билан бирга, жойлардаги махсус хизматлар билан сув истеъмолчилари ўртасида 68 минг 194 та кундалик ҳисоб журналлари юритилиши йўлга қўйилди. Истеъмолчилар ўртасида сувнинг аниқ ҳисоб-китоби юритилишини таъминлаш мақсадида шу кунга қадар 24 минг 165 та истеъмолчининг сув олиш қулоқлари жиҳозланди. Бу ишлар бугунги кунда давом эттирилмоқда.

Сув хўжалиги объектларини давлат-хусусий шерикликка бериш бўйича ҳам бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Қорақалпоғистон Республикаси Тўрткўл туманида жойлашган сув хўжалиги объектларини ДХШ асосида бошқарувга олиш бўйича лойиҳа ҳужжатлари ишлаб чиқилиб тасдиқланган ва тегишли хулоса олиш учун Молия вазирлигига тақдим қилинган. Шу билан бирга, Қорақалпоғистон Республикаси Қонлиқил ва Кўнғирот туманлари, Бухоро вилояти Пешку тумани, Самарқанд вилояти Иштихон тумани, Сирдарё вилояти Гулистон туманларидаги сув хўжалиги объектларини ДХШ асосида бошқарувга олиш бўйича хусусий ташаббускорлар томонидан лойиҳа ҳужжатлари ишлаб чиқилмоқда.

Сирасини айтганда, вазирлик тизимида меҳнат қилаётган барча ишчи-ходимлар бир ёқадан бош чиқариб, сугориш мавсумида истеъмолчиларга сувни лимит асосида етказиб бериш чоғида ортиқча исрофгарчиликларга йўл қўймаслик, сув ресурсларини самарали бошқариш, ундан оқилона фойдаланиш, Президентимиз қарорларида белгиланган топшириқлар ижросини сўзсиз таъминлаш бўйича барча зарурий чораларни кўрмоқда.

Ўз мухбиримиз



ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ

АҲОЛИНИНГ 15 ЙИЛЛИК ОРЗУСИ УШАЛДИ

САТТОРОБОД ҚИШЛОҒИГА
ТОЗА ИЧИМЛИК СУВИ КЕЛДИ

Мазкур қишлоқ Пискент тумани марказидан ўн беш километр узоқликда жойлашган. Анча олислиги ва чекка ҳудуд эканлиги боис илгарилари бу ерга раҳбарлар ҳам жуда кам келишган.

Одамларнинг айтишича, ўшанда ҳам йилда уч марта – ипак қурти тарқатишда, ғалла ўрими мавсумида ва пахта йиғим-терими пайтида келиб, кетишган. Ҳеч ким қишлоқдаги аҳолига яратилган шарт-шароит билан қизикмаган. Шу боис, узоқ йиллар давомида ўнлаб муаммолар тўпланиб қолганди.

умумий қиймати 3 миллиард 700 миллион сўмлик давлат мактабгача таълим муассасаси фойдаланишга топширилган, ҳудуднинг барча болажонларини тўлиқ қамраб олиш имконияти яратилади.

Маҳалланинг Сатторобод қишлоғидаги 60 та хонадонда 420 нафардан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Бу ерда қарийб ўн беш йилдан буён тоза ичимлик суви энг ўткир муаммолардан бири эди. Бугун қишлоқ одамларининг қувончи чексиз. Сабаби, хонадонлардаги сув қувурлари жўмрақларидан тоза

➤ Ҳуқуқий маслаҳат минбари

СОЛИҚ ТЕКШИРУВИ ЖАРАЁНИДА ҲУЖЖАТЛАР ВА БУЮМЛАР ҚАЙ ТАРТИБДА ОЛИБ ҚЎЙИЛАДИ?

Солиқ текширувлари солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан назорат қилиш мақсадида ўтказилади. Сўралган ҳужжатлар ва тушунтиришлар солиқ органига тегишли сўров олинган кундан эътиборан беш кун ичида тақдим этилиши керак.

Солиқ текширувини ўтказаяётган мансабдор шахс текширилаётган шахсдан текширув учун зарур бўлган ҳужжатларни талаб қилиб олишга ҳақли. Талаб қилиб олинган ҳужжатлар солиқ органига шахсан ёки вакил орқали тақдим этилиши, почта орқали буюртма хат билан юборилиши ёхуд телекоммуникация алоқа тармоқлари ёки солиқ тўловчининг шахсий кабинети орқали электрон шаклда ҳам топширилиши мумкин.

Ҳужжатларни қозғатда тақдим этиш текширилаётган шахс томонидан тасдиқланган кўчирма нусхалар шаклида амалга оширилади. Агар қонун ҳужжатларида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, солиқ органига тақдим этиладиган ҳужжатларнинг кўчирма нусхаларини нотариал тарзда тасдиқлашни талаб қилишга йўл қўйилмайди.

Ҳисобга олиш ҳужжатлари электрон шаклда тузилган тақдирда солиқ тўловчи солиқ текшируви чоғида солиқ органлари мансабдор шахсларининг талабига қўра бундай ҳужжатларнинг қозғатдаги кўчирма нусхаларини тақдим этиш шарт, зарур бўлган тақдирда солиқ органи ҳужжатларнинг асл нусхалари билан танишишга ҳақли.

Солиқ текшируви давомида талаб қилиб олинган ҳужжатлар тегишли талабнома олинган кундан эътиборан беш кун ичида тақдим этилади. Агар текширилаётган шахс талаб қилинаётган ҳужжатларни белгиланган муддат ичида тақдим этиш имконига эга бўлмаса, у текширувчи мансабдор шахсларни бу ҳақда 15-кун равишда хабардор қилади.

Текширилаётган шахснинг талаб қилинаётган ҳужжатларни тақдим этилиш рад этганлиги солиқ органининг мансабдор шахси томонидан тузиладиган баённомада қайд этилади. Баённома солиқ органининг мансабдор шахси ва текширилаётган шахс томонидан имзоланади. Текширилаётган шахс баённомани имзолошни рад этган тақдирда бу ҳақда тегишли қайд киритилади. Кўрсатилган ҳужжатларни тақдим этиш солиқ тўловчи томонидан рад этилганлиги ёки белгиланган муддатларда тақдим этилмаганлиги ушбу ҳужжатларни ушбу Кодекснинг 148-моддасида назарда тутилган тартибда олиб қўйиш учун асос бўлади.

Солиқ текшируви ва солиқ назоратининг бошқа тадбирлари жараёнида солиқ органлари текширилаётган шахснинг камерал ёки сайёр солиқ текширувлари ўтказилганда солиқ органларига илгари тақдим этилган ҳужжатларни, шунингдек, солиқ мониторингини ўтказиш жараёнида тасдиқланган кўчирма нусхалар шаклида тақдим этилган ҳужжатларни текширилаётган шахсдан талаб қилиб олишга ҳақли эмас. Агар ҳужжатлар илгари солиқ органига асл нусхалар тарзида тақдим этилиб, кейинчалик текширилаётган шахсга қайтарилган бўлса, шунингдек, солиқ органига тақдим этилиб, бартараф этиб бўлмайдиган куч ҳолатлари оқибатида йўқотилган тақдирда, ҳужжатлар текширилаётган шахсдан қайта талаб қилиб олинishi мумкин.

Текширилаётган солиқ тўловчининг фаолиятига тааллуқли ҳужжатларни (ахборотни) талаб қилиб

олиш солиқ органи раҳбарининг ёки ўринбосарининг солиқ назоратининг қўшимча тадбирларини тайинлаш тўғрисидаги қарори асосида солиқ текшируви материалларини кўриб чиқиш чоғида ҳам амалга оширилиши мумкин.

Солиқ текширувларини ёки солиқ назоратининг бошқа тадбирларини амалга оширувчи солиқ органи текширилаётган солиқ тўловчининг фаолиятига тааллуқли ҳужжатларни талаб қилиб олиш тўғрисидаги топшириқномани мазкур ҳужжатлар талаб қилиб олиниши керак бўлган шахснинг ҳисобда турган жойидаги солиқ органига юборади. Бунда топшириқномада солиқ назоратининг қайси тадбирини ўтказиш чоғида ҳужжатлар тақдим этиш зарурати юзасига келганлиги кўрсатилади, мунайим битимга тааллуқли ахборот талаб қилиб олинаётганда эса ушбу битимни идентификациялаш имконини берувчи маълумотлар кўрсатилади. Топшириқнома олинган кундан эътиборан уч кун ичида ҳужжатлар қайси шахсдан талаб қилиб олинаётган бўлса, уша шахснинг ҳисобда турган жойидаги солиқ органига юборади. Зарур бўлган тақдим этиш тўғрисида талабнома юборади. Талабномага ҳужжатларни талаб қилиб олиш тўғрисидаги топшириқноманинг кўчирма нусхаси илова қилинади.

Ҳужжатларни тақдим этиш тўғрисидаги талабномани олган шахс ҳисобнома олинган кундан эътиборан беш кун ичида уни бажаради ёки талаб қилиб олинаётган ҳужжатларга эга эмаслигини ўша муддатда хабар қилади. Агар талаб этиладиган ҳужжатларни

мазкур муддатда тақдим этиш имкони бўлмаса, солиқ органи ҳужжатлар қайси шахсдан талаб қилиб олинган бўлса уша шахснинг илтимосномасига қўра ушбу ҳужжатларни тақдим этиш муддатини узайтиришга ҳақли. Ҳужжатларни талаб қилиб олишнинг ушбу моддада назарда тутилган тартиби солиқ тўловчилар консолидациялашган гуруҳининг иштирокчиларига тааллуқли ҳужжатларни талаб қилиб олишда ҳам қўлланилади. Ҳужжатларни талаб қилиб олишнинг ушбу моддада назарда тутилган тартиби солиқ агентлирига тегишли бўлган ҳужжатлар ва ахборотни талаб қилиб олишда ҳам қўлланилади. Ҳужжатлар ва буюмларни олиб қўйиш солиқ органининг солиқ текширувини ўтказаяётган мансабдор шахсининг асосланган қарори асосида амалга оширилади. Ҳужжатлар ва буюмларни тунги пайтда олиб қўйишга йўл қўйилмайди. Ҳужжатлар ва буюмларни олиб қўйиш ҳолислар ҳамда ҳужжатлари ва буюмларини олиб қўйиш амалга оширилаётган шахслар иштирокида ўтказилади. Зарур бўлган ҳолларда, олиб қўйишни амалга оширишда иштирок этиш учун муҳтажаси тақдирда этилади.

Олиб қўйиш бошланганига қадар солиқ органининг мансабдор шахси олиб қўйишни амалга ошириш тўғрисидаги қарорни тақдим этади ҳамда ҳозир бўлган шахсларга уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтиради.

Солиқ органининг мансабдор шахси ҳужжатлар ва буюмларини олиб қўйиш амалга оширила-

ётган шахсга уларни ўз ихтиёри билан топширишни тақлиф этади, тақлиф рад этилган тақдирда эса олиб қўйишни мажбурий тарзда амалга оширади.

Ўзига нисбатан олиб қўйиш амалга оширилаётган шахс олиб қўйилиши лозим бўлган ҳужжатлар ва буюмлар сақланиши мумкин бўлган биноларни ёки бошқа жойларни очишдан бош тортганда, солиқ органининг мансабдор шахси тамбаларга, эшикларга ва бошқа буюмларга зарурат сабабли юзасига келмаган шикаст етказишдан қочи олиб қўйишни мустақил тарзда бажаришга ҳақли.

Солиқ текшируви предмети алоқаси бўлмаган ҳужжатлар ва буюмлар олиб қўйилмайди. Олиб қўйилган ҳужжатлар ва буюмлар олиб қўйиш баённомасида ёки унга илова қилинадиган рўйхатларда аниқ номи, сонини, ўзига хос хусусиятлари ва имкон қадар буюмларнинг қиймати кўрсатилган ҳолда санаб ўтилади ҳамда рўйхатга олинади.

Барча олиб қўйиладиган ҳужжатлар ва буюмлар ҳолисларга ҳамда олиб қўйишда иштирок этувчи бошқа шахсларга кўрсатилади ва зарур бўлган тақдирда олиб қўйилган жойда ўралади. Олиб қўйилган ҳужжатлар рақамланиши, тикилиши ва олиб қўйиладиган шахснинг муҳри ёки имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак. Ушбу шахс олиб қўйиладиган ҳужжатларни муҳр ёки имзо билан тасдиқлашдан бош тортган тақдирда, олиб қўйиш тўғрисидаги баённомага бу ҳақда махсус белги қилилади.

Ҳужжатлар ва буюмларни олиб қўйиш тўғрисидаги баённоманинг кўчирма нусхаси улар қайси шахсдан олиб қўйилган бўлса, уша шахсга имзо қўйдириб топширилади ёки юборилади.

Н.ХИДИРОВ,

Тошкент туманлараро
маъмурий суди судьяси.



уларга ҳам "Ўзагроинспекция"нинг масъул инспекторлари бириктирилган. Улар томонидан шахобчага қабул қилинаётган дон ва унинг миқдори, синфи ва сифат кўрсаткичлари назоратга олинган. Фермер хўжаликлари томонидан низоли ҳолатлар юзасига келган тақдирда, штаб инспекторлари ижобий ҳал этишга

қўмаклашмоқда. Шу билан бир қаторда, ғалла ўрими жараёни тўғрисида марказий аппаратга тезкор маълумотларни тақдим этиб бормоқда.

Шахноза БАҲРОМЖОНОВА,
"Ўзагроинспекция"нинг
Тошкент вилояти бошқармаси
Жамоатчилик билан алоқалар
бўлими бош инспектори.

➤ Ғалла-2022

ЎРИМ-ЙИҒИМ АВЖИДА

Жорий йилда Тошкент вилоятининг 103 минг 845 гектар сувли майдонларида бошқоқли дон экинни етиштирилди. Айни кунларда барча туманларда ғалла ўримида старт берилиб, ҳосилни нес-нобўб қилмасдан йиғиштириб олиш чоралари қўрилаёттир.

Мисол учун, вилоятнинг Оққўрғон туманида жорий йил ҳосили учун 153 та фермер хўжаликлари ва ғаллачилик клас-тери томонидан 10 минг 600 гектар ерда бошқоқли дон экинлари парваришланган бўлса, дон сотиш шартномасига асосан жами 28 минг 700 тонна, шундан 26 минг 200 тонна дон, 2 минг 500 тонна уруғлик дон топшириш

белгилаб олинган.

Туманларда ҳамда вилоятда ғалла ўрим-йиғим ишларини мувофиқлаштириб борувчи штаблар ташкил этилиб, отрядлар тузилган. Ҳар бир штаб ўртача 5 донадан комбайннинг ишлашини назорат қилиб боради. Отрядга ички ишлар, ер тузувчи ва банк ходимлари, шунингдек, ғалла ташиш транспортлари, техник

хизмат автомашиналари, ёқилғи ташиш транспортлари ҳам бириктирилган. Ўрим жараёнида комбайнларда носозликлар қулатилганда, 24 соат ишловчи кўчма сервис хизмати ташкил этилган.

Тошкент вилоятида 3 та донни қайта ишлаш қорхоналарига қарашли 12 та дон қабул қилиш шахобчалари мавжуд бўлиб,

Ҳосилдорликдаги тафовут гектарига 10,5 центнерга тўғри келди



Эълон

АКЦИОНЕРНЫЙ КОММЕРЧЕСКИЙ БАНК «ТУРОНБАНК» И ЕГО ДОЧЕРНЯЯ КОМПАНИЯ КОНСОЛИДИРОВАННЫЙ ОТЧЕТ ОБ ИЗМЕНЕНИЯХ В КАПИТАЛЕ ЗА ГОД, ЗАКОНЧИВШИЙСЯ 31 ДЕКАБРЯ 2021 ГОДА (в миллионах узбекских сум)

	Акционерный капитал	Эмиссионный доход	Нераспределенная прибыль	Резерв переоценки стоимости финансовых активов, оцениваемых по справедливой стоимости через прочий совокупный доход	Прочие резервы	Итого	Неконтролирующая доля	Итого капитал
В миллион узбекских сум								
31 декабря 2019	887 273	219	118 065	15 830	-	1 021 387	867	1 022 254
Прибыль за год	-	-	10 167	-	-	10 167	(152)	10 015
Совокупный доход за 2020 год	-	-	10 167	6 312	-	16 479	(152)	16 327
Эмиссия акций	-	-	-	-	-	-	-	-
Собственные выкупленные акции	(167)	-	-	-	-	(167)	-	(167)
Объявленные дивиденды	-	-	-	-	-	-	-	-
31 декабря 2020	887 106	219	128 232	22 142	-	1 037 699	715	1 038 414
Прибыль за год	-	-	22 030	-	-	22 030	-	22 030
Итого совокупный доход за 2021 год	-	-	22 030	-	-	22 030	-	22 030
Эмиссия акций	612 600	-	-	-	-	612 600	-	612 600
Собственные выкупленные акции	-	-	-	432	-	432	715	(283)
Объявленные дивиденды	-	-	(3 378)	-	-	(3 378)	-	(3 378)
Задолженность акционеров	-	-	-	-	(7 379)	(7 379)	-	(7 379)
Выбытие дочерней компании	-	-	-	8 813	-	(8 813)	-	(8 813)
Сделка с акционерами	-	-	(10 000)	-	-	-	-	-
31 декабря 2021	1 499 706	219	136 884	13 761	(7 379)	1 643 191	-	1 653 191

АКЦИОНЕРНЫЙ КОММЕРЧЕСКИЙ БАНК «ТУРОНБАНК» И ЕГО ДОЧЕРНЯЯ КОМПАНИЯ КОНСОЛИДИРОВАННЫЙ ОТЧЕТ О ДВИЖЕНИИ ДЕНЕЖНЫХ СРЕДСТВ ЗА ГОД, ЗАКОНЧИВШИЙСЯ 31 ДЕКАБРЯ 2021 ГОДА (в миллионах узбекских сум)				АКЦИОНЕРНЫЙ КОММЕРЧЕСКИЙ БАНК «ТУРОНБАНК» И ЕГО ДОЧЕРНЯЯ КОМПАНИЯ КОНСОЛИДИРОВАННЫЙ ОТЧЕТ О ФИНАНСОВОМ ПОЛОЖЕНИИ НА 31 ДЕКАБРЯ 2021 ГОДА (в миллионах узбекских сум)			
	Прим.	31 декабря 2021	31 декабря 2020		Прим.	31 декабря 2021	31 декабря 2020
Денежные потоки от операционной деятельности				АКТИВЫ			
Проценты полученные		845 509	373 947	Денежные средства и их эквиваленты	6,29	1 254 954	823 516
Проценты уплаченные	(475 951)	(272 249)		Средства в других банках	7,29	424 887	319 346
Комиссии полученные	133 842	78 104		Долговые ценные бумаги Правительства Республики Узбекистан	8,29	354 606	131 774
Комиссии уплаченные	(29 327)	(15 067)		Кредиты и авансы выданные клиентам	9,29	8 107 596	6 819 483
Доходы полученные от операций в иностранной валюте	14 003	11 876		Финансовые активы, оцениваемые по справедливой стоимости через прочий совокупный доход	10,29	23 877	43 328
Прочие операционные доходы полученные	21 409	4 093		Отложенный налоговый актив	22	54 601	35 363
Расходы на содержание персонала	(174 711)	(118 601)		Основные средства включая нематериальные активы	11	316 704	177 127
Административные и прочие операционные расходы уплаченные	(85 127)	(65 989)		Активы в форме права пользования	11	10 603	13 752
Налог на прибыль уплаченный	(41 696)	(17 681)		Прочие активы	12,29	135 837	75 666
Денежные средства, (использованные)/ полученные от операционной деятельности до изменения операционных активов и обязательств	207 950	(21 567)		ИТОГО АКТИВЫ		10 683 665	8 439 355
Чистое уменьшение/(увеличение) по средствам в других банках	(105 189)	47 319		ОБЯЗАТЕЛЬСТВА			
Чистое уменьшение/(увеличение) по кредитам и авансам клиентам	(1 450 506)	(2 114 030)		Депозиты других банков	13,29	937 615	789 958
Чистое уменьшение/(увеличение) по прочим активам	(47 479)	(14 139)		Депозиты клиентов	14,29	2 551 642	2 071 985
Чистое уменьшение/(увеличение) по депозитам других банков	143 260	332 437		Выпущенные долговые ценные бумаги	15,29	13 414	2 203
Чистое уменьшение/(увеличение) по депозитам клиентов	477 190	362 805		Заемные средства от правительственных, государственных и международных финансовых организаций	16,29	5 505 466	4 492 045
Чистое уменьшение/(увеличение) по прочим обязательствам	8 138	(10 119)		Обязательства по аренде		11 144	14 732
Чистые денежные средства, использованные в операционной деятельности	(766 636)	(1 417 294)		Обязательства по текущему налогу на прибыль		(8 153)	8 905
Денежные потоки от инвестиционной деятельности				Прочие обязательства	17,29	29 347	21 113
Приобретение основных средств и нематериальных активов	(217 798)	(118 179)		ИТОГО ОБЯЗАТЕЛЬСТВА		9 040 473	7 400 941
Поступления от реализации основных средств и нематериальных активов	6 910	4 125		КАПИТАЛ			
Приобретение финансовых активов, оцениваемых по справедливой стоимости через прочий совокупный доход	-	(3 000)		Акционерный капитал	18	1 499 706	887 106
Поступления от реализации финансовых активов, оцениваемых по справедливой стоимости через прочий совокупный доход	1 139	2 895		Эмиссионный доход	18	219	219
Приобретение долговых ценных бумаг Правительства Республики Узбекистан	(225 986)	(129 001)		Нераспределенная прибыль		136 883	128 232
Дивиденды полученные	791	1 343		Резерв переоценки стоимости финансовых активов, оцениваемых по справедливой стоимости через прочий совокупный доход		13 761	22 142
Чистые денежные средства, использованные в инвестиционной деятельности	(434 944)	(241 817)		Прочие резервы		(7 379)	
Денежные потоки от финансовой деятельности	Notes	2021	2020	Чистые активы, относящиеся к акционерам Банка		1 643 190	1 037 699
Эмиссия акций	372 914	-	-	Неконтролирующая доля		-	715
Поступления заемных средств от государственных, правительственных и международных финансовых организаций	2 544 058	1 582 939		ИТОГО КАПИТАЛ		1 643 190	1 038 414
Погашение заемных средств от государственных, правительственных и международных финансовых организаций	(1 297 116)	(147 073)		ИТОГО ОБЯЗАТЕЛЬСТВА И КАПИТАЛ		10 683 665	8 439 355
Поступления от выпущенных долговых ценных бумаг	11 200	1 800					
Погашение выпущенных долговых ценных бумаг	-	(12 500)					
Дивиденды уплаченные	(3 619)	(19)					
Погашение обязательств по аренде	(868)	(1 946)					
Чистые денежные средства, полученные от финансовой деятельности	1 626 569	1 423 201					
Влияние изменений курса иностранной валюты на денежные средства и их эквиваленты	6 659	42 645					
Влияние изменений в ожидаемых кредитных убытках	(210)	26					
Чистое (уменьшение)/увеличение денежных средств и их эквивалентов	431 438	(193 239)					
Денежные средства и их эквиваленты на начало года	6,29	823 516	1 016 755				
Денежные средства и их эквиваленты на конец года	6,29	1 254 954	823 516				

ЯНГИЛИК ФЕРМЕРГА МАДОР

(Боши 1-саҳифада)

Орамизда шундай фермерлар борки, жорий этилаётган янгиликни илдамроқ ўз даласида тадбиқ этилишини исташади. Балиқчи туманидаги “Алп Равшан” фермер хўжалиги раҳбари Абдорбек Маҳмуджонов ана шундай ташаббускор деҳқонлардан. Унинг ихтиёрида 67 гектар экин майдони бор. Шундан 42 гектарида гўза парвариш қилинади. Утган йили ана шу майдоннинг 27 гектарида томчилатиб сугориш технологияси жорий этилган эди. Маълумки, гўза кун санайдиган экин. Янгилик қўлланилган даладаги гўза ривожи оддий усулда парвариш қилинган гўзага нисбатан илдам ривожланди. Ҳосил тугунчалари сони бўйича фарқланиш кўзга яққол кўринди. Энг муҳими, ҳосил эртаки тарзда пишиб етилди ва йигим-терим октябрь ойи бошидаёқ якун топди. Одатий сугорилган 15 гектарлик далада эса йигим-терим октябрь ойида ҳам давом этди. Ҳосилдорликдаги тафовут эса гектар ҳисобига 10,5 центнерга тўғри келди.

— Узим, ота-онам ҳам иқтисод йўналишида олий таълим олганмиз, — дейди Абдорбек Маҳмуджонов. — Ҳайдовдан то йигим-терим якунигача бўлган харажатларни қайта-қайта ҳисоблаб бордик. Айниқса, қатор ораларига техниканинг кириши камайиши ортидан тупроқнинг босим остида қолиши барҳам топди. Навбатма-навбат сугориш эвазига ҳам вақт, ҳам ресурслар харажати ўз-ўзидан ортиб кетарди. Сув тежовчи технология шароитида тупроқнинг ҳамиша майин бўлиши гўза илдишлари ривожига тезкорлик бағишлади. Минерал ўғитлар қуввати тўғридан-тўғри гўза ривожига хизмат қилди.

Фермер кузда 25 гектар ерда галла парвариши учун ёмғирлатиб сугориш усулини жорий этиш бўйича лойиҳага эга. Бозор тамойиллари асосида галла харидининг ортиши ҳисобига айланма маблағ миқдори кўтарилиши фермерларга аён бўлдики, Абдорбек ҳам ана шу маблағни янгиликка йўналтиришга ҳозирлик кўраётир. Унинг мақсади 2024 йилда бу усулни жорий қилишни якунлашдир.

Биз “Алп Равшан” фермер хўжалигида бўлган кунимизда эндигина у ҳудудда ёки бу ҳудудда гўза гули кўзга ташланаётганлиги борасидаги хабарлар тарқалаётган эди. Абдорбек Маҳмуджонов даласида эса кўзга ташланган гуллари санаб адоғига етиш қийин эди. Фермернинг янгиликка муносабати шу қадар ўзгачаки, фойдаси тегадиган ҳар қайдай янгиликни диққат билан ўрганади ва ўз даласида синовдан ўтказишга киришади. Эгат оралаб фермер билан суҳбатга киришар эканмиз сезганимиз шу бўлдики, унда наинки иштиёқ, шижоат бор. Ердан оқилона фойдаланиш, айниқса, такрорий экинлар қаровида ҳам сув тежовчи технологияларни деҳқончиликка жорий этиш Абдорбекнинг навбатдаги мақсадидир.

Қобилжон АСҚАРОВ,
“Qishloq hayoti” мухбири.

“ЎЙИНЧОҚЛАР УСТАСИ” КЎРИК-ТАНЛОВИ КЎТАРИНКИ РУҲДА ЎТДИ

(Боши 1-саҳифада)

Ҳозир ўша кунларни ёш авлодга ҳикоя қилсангиз ишонқирмаслиги табиий. Чунки, улар Янги Ўзбекистоннинг энг бахтли ворислари. Айни пайтда қадимги хон саройидан ҳам муқташам, барча шароитларга эга боғча биноларида тарбия топиб, камолга етмоқда. Улар ўйнайдиган ўйинчоқларнинг тури, саноининг охири кўринмайди. Бу эса мустақиллигимизнинг шарофати, Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан юрт келажаги бўлган жажжипларимизга кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрликнинг ёрқин намунасидир.

Гап бугун ўйинчоқ ва унинг бола тарбиясидаги аҳамияти ҳақида борар экан, бу борада Наманган вилоятида ўтказилган яна бир хайрли тадбир ҳақида ҳикоя қилгимиз келди. Таъкидлаш жоизки, ҳар бир мурғак қалбда ахлоқ-одоб, инсоний фазилатлар энг аввало тарбия, қолаверса, унинг энг яқин “ҳамроҳи”га айланган ўйинчоқлари орқали шаклланиб боради. Унинг келажак тақдирини муҳим аҳамият касб этади. Ана шунинг учун ҳам боғчаларда машғуллар турли-туман ўйинчоқлардан фойдаланган ҳолда ташкил этилса, ўзининг ижобий натижасини беради. Боланинг зукко, зийрак, ақлан етуқ бўлиб камол топишига ижобий таъсирини кўрсатади. Бунинг учун нафақат фабрикаларда ишлаб чиқарилган ўйинчоқлардан, тарбиячи ва болалар иштирокида ясалган кўйроқ ва макетлардан ҳам кенг фойдаланилса мақсадга мувофиқ бўлади, албатта.


Яқинда Наманган шаҳрида ўтказилган “Ўйинчоқлар устаси” кўрик-танловининг вилоят босқичи ҳақида ҳам фақатгина ижобий фикрларни айтиш мумкин. Мактабгача таълим бошқармаси бошлиғи ташаббуси билан амалга оширилган ушбу тадбир “Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим ёшидаги бола-

лар ривожланишига қўйилган давлат талаблари” ҳамда “Илк қадам” давлат ўқув дастурига мувофиқ ташкил этилди.

Унда тасдиқланган Низомга кўра, “Миллий ўйинчоқлар”, “Ривожлантирувчи ва таълимий ўйинлар”, “Кўйроқ театри жиҳозлари”, “Юмшоқ ўйинчоқлар”, “Воқеабанд ўйин жиҳозлар”, “Байрам эрталиклари”, “Харақатли ва лойиҳали ўйинчоқлар” шунингдек, “Мантессори ўйинчоқлар” каби номинациялар бўйича шахар ва туманлар кесимидаги дастлабки босқичда ғолибланиш қўлга киритган 112 та мактабгача таълим ташкилоти жамовлари иштирок этди.

— Айтиш жоизки, мактабгача таълим тизимлари олдида турган энг катта вазифа болажонларни мактаб таълимига сифатли тайёрлаш, шунингдек, тарбиячиларнинг касбий маҳоратини ошириш, улар орасида ижодкорлик муҳитини шакллантиришдан иборатдир, — дейди Наманган вилояти мактабгача таълим бошқармаси бошлиғи ўринбосари Абдуназар Юсупов. — Мазкур кўрик-танлов аини шу мақсадга хизмат қилди. Ижодкор тарбиячилар аниқланиди, уларнинг меҳнати, ижод маҳсуллари ҳакамлар томонидан муносиб баҳоланди ва рағбатлан-тирилди. Натижаларга кўра, Норин туманидаги 38-сонли, Поп туманидаги 3-сонли, Чуст туманидаги “Зарина” оилавий, Чортоқ туманидаги 3-сонли, Тўрақўрғон туманидаги 2-сонли, Чуст туманидаги 35-сонли, Наманган туманидаги 6-сонли, Наманган шаҳридаги 4-сонли мактабгача таълим ташкилотлари турли номинациялар бўйича ғолиб деб топилди. Ғолиблар 1-даражали диплом ва эсталик совгалари билан тақдирланди.

Равшанбек МИРЗАОЛИМОВ,
“Qishloq hayoti” мухбири.



Эълон

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 16 март 2020 йилда Бабажонов Хуршид Хакимович номига берилган № 1780 рақамли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.
“BIPROFED” МЧЖ ҳорийжий қорхонаси (СТІР 308994546) ўз низоми жағғармасини 7 000 000 000 (етти миллиард) сўмдан 2 730 000 000 (икки миллиард етти юз ўттиз миллион) сўмгача камайитирилишини маълум қилади. Маълумот учун телефон: +998 (99) 323-26-36.

Қишлоқ хўжалигини механизациялаш илмий тадқиқот институти жамоаси директори ўринбосари Мухаммаджон Тошболтаевга онаси Бихадича Масобирхожи қизининг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

"Қон донори бўлиш – ҳам масъулиятли, ҳам хайрли



“ҚОН ТОПШИР, ҲАЁТ БАХШ ЭТ!”

14 июнь – Бутунжаҳон қон донорлари кунига бағишлаб пойтахтдаги “Қон препаратлари” илмий-ишлаб чиқариш корхонаси томонидан “Enter Engineering” компанияси ходимлари учун махсус ташкил этилган донорлик бўйича кўчма хайрия акцияси ана шундай шиор остида ўтди.


Кўчма тадбирни ўтказиш учун “Қон препаратлари” ИИКнинг юқори малакали тиббиёт ходимлари ва махсус жиҳозланган автобусидан иборат кўчма жамоаси Enter Engineering компанияси томонидан Тошкент вилоятидаги Олмалик кон-металлургия комбинати базасида барпо этилаётган 3-мисни бойитиш фабрикаси қурилиш майдони-га таширф буюрди.

Қурилиш объектининг тиббий корпусида тадбирни ҳар томонлама унумли ўтказиш учун барча шарт-шароитлар олдиндан муҳайё этилди. Донорлик қилиш истагини билдирган юздан ортиқ ишчи-ҳодимлари тегишли тарзда тиббий кўрикдан ўтдилар ҳамда кўчма тиббиёт бригадасининг гематолог ҳодимларидан маслаҳат олдилар.

Қон ва қон асосидаги препаратларга эҳтиёжи бўл-

ган беморларга кўмаклашиш ва донорлиқни тарғиб қилиш мақсадида ташкил этилган бу инсонпарварлик тадбирида ҳар бир иштирокчи фаол қатнашишга қарор қилганди.

“Қон препаратлари” ИИК директори, тиббиёт фанлари доктори Зухра Убайдуллаева компаниямиз раҳбарияти ва жамоасига олижаноблик ва фаол фуқаролик позицияси учун самимий миннатдорчилик билдирар экан, жумладан, қуйидагиларни таъкидлади: “Қон донори бўлиш – жуда масъулиятли ва хайрли иш, бу турли сабабларга кўра жабрланган, операция бўлган, бахтсиз ҳодисаларда жароҳатланган жуда кўп сонли катта ва кичик ёшдаги беморларни оёққа турғаз, ҳаттоки ҳаётини сақлаш йўлида ҳар бир инсон жазм қилиши мумкин бўлган муҳим қадамдир. Бундан ташқари, қон топши-



риш донорнинг ўзи учун ҳам фойдадан холи эмас, чунки қон топширилганда инсон танасида қон янгиланади, натижада барча аъзолар чинқайди, шунингдек, инсоннинг руҳий-эмоционал ҳолати ҳам яхшиланади. Ўзгаларнинг ташвишига бефарқ бўлмай, кимнингдир саломатлиги, ҳаётини асраш учун қон топшириш том маънода инсонпарварлик намунаси. Қолаверса, айнан ушбу тадбир туфайли компания ходимлари орасида одатда кам учрайдиган қон гуруҳига эга бўлган бир неча донорларни топдик. Энди бирон фавқулодда вазиятда уларнинг кўмагига суянишимиз мумкин бўлади”.

Аслида бу Enter Engineering жамоаси иштирокидаги биринчи донорлик акцияси эмас. Жорий йилнинг 12 март кун Республка қон қуйиш марказида ҳам “Фахрли инсон” хайрия жамғармаси кўмагида худди шундай тадбир ўтказилган ва унда компаниямизнинг 94 нафар ишчи-ҳодими донор сифатида иштирок этган ва ўнлаб онкологик касалликка учраган болажонларга беминнат тарзда қон препаратларидан фойдаланиш имконини берувчи сертификатлар топширилган эди.

Мавлуда АЗИМОВА,
“Enter Engineering”
компанияси PR-хизмати
бош мутахассиси.

Реклама



Сувда эрувчан

хлорсиз комплекс ўғит – NPKS

Сувда эрувчан хлорсиз комплекс ўғит – NPKS экишдан олдин тупроққа сепиш учун ҳам, уруғларни экиш олдида ишлов бериш учун иссиқхоналар ва очик ерга сепиш орқали ишлатилади.

Сувда эрувчан хлорсиз комплекс ўғит – NPKS таркибида азот, фосфор, калий ва олтингургурт каби асосий озик моддалар мавжуд.

ТАРКИБИДА:

17 % АЗОТ,
11 % ФОСФОР,
9 % КАЛИЙ,
13% ОЛТИНГУГУРТ
МАВЖУД

Манзил: Тошкент вилояти
Чирчиқ шаҳри Тошкент кўчаси 2-уй.
Тел.: +998 (7071) 5-25-20, 5-34-40, 9-35-08.
Факс: +998 (7071) 6-40-79, 6-55-46, 6-45-57.
info@maxam-chirchiq.uz www.maxam-chirchiq.uz

Махсулот сертификатланган

Биламизки, жуда оддий, аммо ҳаётий жиҳатдан ўта муҳим масала – болани табиий, яъни она сути билан озиқлантириш муҳим аҳамиятга эга. Ўз табиатига кўра бола ўсиш, ривожланиш, яшаш ва яратиш учун дунёга келади. Ҳақимлар ҳақими Абу Али ибн Сино кўкрак ёшидаги болаларнинг касалланишида энг аввало онанинг саломатлиги, овқатланиши ва кун тартибини мутаносиблаш билан шуғулланиш лозим деб ўргатган.

Ибн Сино илмидан аёнким, отанинг фарзанд олдидаги дастлабки қарзи унга чиройли исм бериб, она ва бола тарбияст ҳақидаги ғамхўрлиги бўлса, онанинг биринчи қарзи болани оқ сут бериб боқишдир. Бола умрининг биринчи йили давомида она сути билан боқилиши ҳозирги давр педиатрия фанида табиий овқатлантириш деб аталади. Бу атамада чуқур рамзий маъно бор. Боланинг саломатлиги, жисмоний ва руҳий ривожланиши унинг овқатланиши билан боғлиқ. Бу бола ҳаётининг дастлабки кун, ҳафта ва ойлари учун айниқса муҳим аҳамият касб этади ва кўпинча бир умрга из қолдиради. Ота-онага, инсонларга, Ватанга меҳр она сути билан ўтади дейишди. Эрта ёшдаги боланинг турфа хил тасодифий юкумли касалликларга, ташқи муҳит таъсирларига турғунлиги, касалликларнинг кечиши ва оқибатлари кўп жиҳатдан унинг овқатланиш хусусияти билан бевосита боғлиқ.

Она сути бола овқатланиши учун табиат яратган улуг неъматдирким, унинг таркибидаги моддалар (оқсил, ёғ, карбонсувлар, витаминлар, минерал тузлар, микроэлементлар)нинг микдори, таркиби ва бир-бирига нисбати бошқа барча мавжудотлар сutiдан фарқ қилиб, бола организми томонидан осонгина ўзлаштиришга мослашган ягона махсулотдир. Она сути таркибидаги оқсиллар тузилишига кўра қон зардоби-

ОНА СУТИ — МУЪЖИЗА

даги оқсилларга яқин бўлиб, уларнинг учдан бир қисми боланинг меъдасида ҳеч қандай ўзгаришга учрамасдан қонга сўрилади. Инсон фарзанди учун овқат махсулоти сифатида оламда ҳеч бир жонзотнинг сути бундай хусусияга эга эмас. Худди шу ҳолат ёғлар ва карбонсувларнинг сифатидаги фарққа ҳам тааллуқлидир. Булардан ташқари, она сути болаларни сунъий овқатлантиришда кенг қўлланиладиган сигир сутига нисбатан А, Д, Е витаминларига бой ва улар фаоллиги жиҳатидан ҳам устунлик қилади. Жумладан, она сути таркибидаги Д3 витамини соф Д3 витаминга нисбатан бир неча ўн маротаба фаолроқ эканлиги раҳит касаллигининг олдини олиш учун асосли қафолатдир.

Она сutiда организмда микробларга қарши ҳимоя фаолиятини таъминловчи А иммуноглобулинининг микдори сигир сutiдагига нисбатан 5-10 мартагача зиёдлиги болаларда ошқозон-ичак касалликларининг олдини олувчи муҳим воситадир. Она сutiнинг хислатларини унинг таърифи ошиб кетишидан ҳавотирланмасдан чексиз даражада саналса ҳам озлик қилади.

Илмий асосланган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, бола умрининг дастлабки 5-6 ойи мобайнида она сути унинг ўсиши учун зарур бўлган барча озик моддалари билан тўлиқ таъминлайди. Она сути билан боқилаётган бола кам хасталанади ва сунъий овқатлантирилаётган болаларга нисбатан



сунъий овқатлантиришга ўтказилган болаларнинг қарийб 70 фоизи етарли асослар бўлмаган ҳолда амалга оширилган. Ҳолбуки, энг сифатли замонавий сунъий аралашмалар ҳам она сutiнинг ўрнини боса олмаслигини эсда тутиш лозим, чунки она сути билан боқилмаган бола табиий биологик ҳимоядан маҳрум этилган бўлади. Шунинг учун ҳам бу болалар она сути билан боқилаётган болаларга нисбатан 2-3 марта кўпроқ касалланадилар. Она сути билан боқилаётган болаларда раҳит, камқонлик, камвазнлилик ёки кўп вазнлилик каби кенг тарқалган касалликлар кам учрайди. Она сutiнинг таркиби ва сифати табиатан боланинг ёшига мослашган. Чақалоқлик даврида, бола организмнинг ўз ҳимоя воситаларига энг заиф даврида она кўрагидан оғиз сути ажралади. Оғиз сути ҳимоя омилларига ўта бой, таркиби жиҳатидан бола тўқималарига яқин ва осон ўзлаштиришга мослашган. Бола 2-3

ҳафталик ёшга етгач, тўлиқ она сути ола бошлайди. Она сutiнинг ушбу хислатлари айниқса, чала туғилган чақалоқларнинг ривожланиши ва зарарли омилларга чидамлилигини оширишидаги аҳамияти изоҳга муҳтож эмас. Она сutiнинг ҳосил бўлишига эмизикли аёлнинг саломатлиги, овқатланиш тартиби ва сифати, дам олишининг тўғри ташкил этилиши муҳим аҳамият касб этади. Эмизикли аёл қандайдир махсус парҳезга муҳтож эмас, аммо унинг овқати тўлақонли, дармон-дориларга бой махсулотларни сақлаши, кундалик ичилаётган суюқлик микдори 1 литрдар кам бўлмаслиги (сут, ширин чой), сутга ноҳуш ҳид берувчи махсулотлар (хом пийёз, саримсоқпийёз) сақламаслиги лозим. Эмизикли она чекмаслиги, спиртли ичимликлар истеъмоли қилмаслиги зарурлиги ўз-ўзидан аён. Эмизикли аёл кунига камида 8 соат ухлаши, кўпроқ тоза ҳавода бўлиши шарт.

Болани тўлиқ ёки қисман сунъий овқатлантиришга ўтказишга кўпинча онада етарли микдорда сут етишмаслиги – гипогалактия сабаб бўлади. Гипогалактиянинг сабаблари турфа хил бўлса ҳамки, кўпинча эмизикли оналарнинг оддий қоидаларга амал қилмаслигидан юзага келади. Бугунги кунда тиббиёт жамоатчилигини турли сабаблар туфайли ёш оналарнинг ўз фарзандларини тиббиётнинг малакали мутахассислари маслаҳатисиз сунъий овқатлантиришга ўтказиши ташвишга солмоқда. Шу уринда оналарга қарата айтмоқчимизки, фарзандингдан оқ сutiнгни аяма, она! Бола учун она сути табиатнинг беқиёс эҳсонидир.

Юсуф РАҲМОНОВ,
Самарқанд давлат тиббиёт
университети ассистенти.

QISHLOQ
HAYOTI

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар
Маҳкамаси комплекси таркибидаги ҳамда
бошқа дахлдор вазирлик ва идоралар.

Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ

Таҳрир ҳайъати:

Жамшид ХЎЖАЕВ, Шавкат ҲАМРОЕВ,
Шухрат ТЕШАЕВ, Муҳаммаджон ТОШБОЛТАЕВ,
Ақтам ХАИТОВ, Маҳмуд ТОИР,
Ҳабиб ТЕМИРОВ (бош муҳаррир ўринбосари),
Раимқул СУЯРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

Саҳифаловчи-дизайнер: Маркс ЮСУПОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан
2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.
Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.
НАШР ИНДЕКСИ – 144.
Буюртма Г-647. 1698 нусхада чоп этилди.

Газета "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 5 6

Манзилмиз: 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Телефонлар: Қабулхона – (0-371) 236-26-50.
Факс – (0-371) 233-09-93.
Реклама ва эълонлар – (0-371) 236-26-50, (0-371) 233-28-04.
e-mail: info@qishloqhayoti@mail.ru Баҳоси келишилган нарҳда.

ISSN 2010-7023



Босишга топшириш вақти: 21.00
Босишга топширилди: 21.20